

ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ

ILM OLMOQQA INTILISH – HAR BIR MUSLIM VA MUSLIMA UCHUN QARZ-U FARZ

Ziyo chashmasi

ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

№ 6 (245) 2016-YIL 7-SENTABR

ISSN-2010-9393

1993-YIL, 21-MARTDAN CHIQA BOSHLAGAN



Рухи доим барҳаёт инсон! ХОТИРА ДАРСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири А. Ваҳобов шу йил 6-сентябрь куни Жиззах Давлат педагогика институти маданият саройида институтимиз талабалари хузурда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг вафоти муносабати билан "Хотира дарси" ўтди.

Дарс олдида талабаларга "Марра бизники" фильми намойиш этилди. Фильмда Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти, мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, юртимизни собиқ мустақил тузум қарамлигидан озод қилиб, уни замонавий асосда тараққий эттириш стратегиясини, дунёда "Ўзбек

моделли" деган ном билан тан олинган ривожланиш йўлини ишлаб чиққан, жаҳон миқёсида катта обрў-эътибор қозонган, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Абдуғаниевич Каримов ҳаёти ва фаолияти, ватанимизда чорак аср давомида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, Ўзбекистонимизнинг дунё давлатлари орасидаги обрў-эътибори, барча соҳалардаги ислохотларнинг самаралари ҳақида ҳикоя қилинди.

Хотира дарси давомида профессор-ўқитувчилар ва талаба ёшлар ўз чиқишлари билан хурматли президентимиз томонидан ёшлар тарбияси учун кўрсатилган ғамхўрлик, айниқса таълим соҳасидаги бекиёс, мисли

дунёда йўқ ислохотлар туфайли яратилган кенг имкониятлар ҳақида гапириб, юртбошимиз кўрсатган йўлдан олға интилишга, унинг барча васиятларига содиқ қолишга, ўзларининг билим ва тажрибаларини ишга солиб, жонажон Ўзбекистонимизнинг бундан кейинги тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга қасамёд қилдилар.

Хотира дарсида институтимиз ректори, профессор А. Холбеков иштирок этди.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг порлоқ хотираси қалбларимизда абадий сақланиб қолади.

М.ИСОМИДИНОВА.

БИЗ ЁШЛАР МУСТАҚИЛЛИКНИ ҲЕЧ КИМГА БЕРМАЙМИЗ!

Таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг порлоқ хотирасига бағишланган "Хотира дарс"лари ана шундай жанговар шиор остида ўтмоқда.

Ислом Абдуғаниевич Каримов мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, юртимизни собиқ мустақил тузум қарамлигидан озод қилиб, уни замонавий асосда тараққий эттириш стратегиясини, дунёда "Ўзбек модели" деган ном билан тан олинган ривожланиш йўлини ишлаб чиққан, жаҳон миқёсида катта обрў-эътибор қозонган, буюк давлат ва сиёсат арбоби сифатида Ватанимиз тарихида ўнмас ва ёрқин из қолдирди.

Халқимиз ўзининг қисқа муддат- 25 йилда эришган барча ютуқ ва марраларини ҳақли равишда айнан Президент Ислом Каримов номи билан боғлайди ва шу улғу инсоннинг бекиёс хизматлари деб билади.

Ислом Абдуғаниевич Каримов 1938 йил 30 январда Самарқанд шаҳрида хизматчи оиласида туғилган.

Миллати - ўзбек. Олий маълумотли, Ўрта Осиё политехника ва Тошкент халқ ҳўжалиги институтларини тугатган. Мухандис-механик ва иқтисодчи мутахассисликларига эга. Иқтисод фанлари номзоди.

Меҳнат фаолиятини 1960 йилда Тошкент қишлоқ ҳўжалик машинасозлиги заводида бошлаган.

1961 йилдан 1966 йилгача В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида муҳандис, етакчи муҳандис-конструктор бўлиб ишлади.

1966 йилда Ўзбекистон ССР Давлат план комитетига ишга ўтиб, бош мутахассисликдан Республика Давлат план комитети раисининг биринчи ўринбосаригача бўлган йўлни босиб ўтди.

1983 йилда Ислом Каримов Ўзбекистон ССР Молия министри, 1986 йилда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Республика Давлат план комитетининг раиси этиб тайинланди.

1986-1989 йиллар мобайнида Қашқадарё вилояти партия комитетининг биринчи котиби, 1989 йилнинг июнидан бошлаб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби лавозимларида ишлади.

1990 йил 24 март куни Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг сессиясида Ислом Каримов Ўзбекистон ССР Президенти этиб сайланди.

1991 йил 31 август куни Ислом Каримов тарихий воқеа - Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилди.

1991 йил 29 декабрда муқобиллик асосида ўтказилган умумхалқ сайловида Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

1995 йил 26 мартда бўлиб ўтган умумхалқ референдуми якунларига кўра Ислом Каримовнинг Президентлик ваколати 2000 йилга қадар узайтирилди.

2000 йили муқобиллик асосида ўтган сайлов натижаларига кўра, Конституцияга киритилган ўзгартишларга мувофиқ, Ислом Каримов 7 йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

2007 йили муқобиллик асосида ўтказилган умумхалқ сайловида Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

2015 йили муқобиллик асосида ўтказилган умумхалқ сайловида Ислом Каримов Ўзбеки-

стон Республикаси Президенти этиб сайланди.

Оилали, икки фарзанди, беш нафар набираси бор. Рафиқаси Т.А. Каримова - мутахассислиги бўйича иқтисодчи, иқтисод фанлари номзоди, Ўзбекистон Фанлар академияси Иқтисодиёт институтида катта илмий ходим бўлиб ишлаган, айни пайтда - пенсияда.

Ислом Каримов суверен ва мустақил Ўзбекистонни барпо этиш, халқпарвар демократик ҳуқуқий давлат яратиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш ишига қўшган улкан ҳиссаси ҳамда бу борада матонат ва жасорат кўрсатганлиги учун "Ўзбекистон Қхрамони" унвони, "Мустақиллик" ва Амир Темур орденлари билан тақдирланган. Шунингдек, у бир қанча хорижий давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг фахрий унвон, орден ва медаллари билан ҳам муқофотланган.

Ислом Каримов Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси. Айни вақтда у иқтисодиёт, илм-фан, таълим-тарбия соҳаларини ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун кўплаб хорижий мамлакатлар университет ва академияларининг фахрий фан доктори ҳамда академиги этиб сайланган.

Ислом Каримов мамлакатимизда амалга оширилган улкан ишлар, тарихий ўзгаришларнинг ташаббускори ва раҳнамосидир:

- Ўзбекистон мустақиллигининг асосчиси, мамлакат мустақил тараққиёт дастурини ишлаб чиққан ва миллий тараққиёт йўлини белгилаб берган атоқли давлат арбобидир;

(давоми 2-бетда)

АЛВИДО

(Элимиз отаси, марҳум Президентимиз Ислом Каримов хотирасига)

*Ўзбегим осмонида,
Сўнди йўлчи юлдузи,
Қаро тунга айланди,
Ўзбегимнинг кундузи.*

*Ҳамма ардоқлаб сизни,
Дейишарди-ку отам.
Мустақил юртимизнинг,
Барча уйида мотам.*

*Мангуга қўйиб бошин,
Бу кун кетди юртбошим.
Сўқир кўзларда ҳам ёш,
Кўзимда дарё ёшим.*

*Чорак асрлик тўйга,
Ўзингиз эдингиз бош.
Тўйни ташлаб кетдингиз,
Юрак бермасдан бардош.*

*Мудҳиш хабарни билиб,
Ўн ёш болам йиғлади.
Юрт отасиз қолди деб,
Юрак бағрим тиглади.*

*Қора кийиб эгнимизга,
Бўтадайин бўзлаймиз.
Пойингизга қўйиб бош,
Жаннатлардан излаймиз.*

*Элнинг залворли юкин,
Элтардингиз манзилга.
Мардлик, жасурлик ила,
Кириб ҳар бир кўнгилга.*

*Издошлари содиқ деб,
Оллоҳдан келди нидо.
Сўнги йўлга кузатиб,
Халқим айтар алвидо!*

*Сизнинг меҳнатингиз-ла,
Юртим обод, халқим хур.
Элим доим дуода,
Қабрингизга тўлсин нур.*

**Саъдулло УБАЙДУЛЛОЕВ,
меҳнат таълими ва УТФ
кафедраси доценти.**

25 ИСТИҚЛОЛ СОЛНОМАСИ

Истиқлол йилларида юртимиз олий ўқув юртлирида таълим ва тарбияда миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар, тарихий тажриба, халқимизнинг узоқ йиллар давомидаги илмий ва маданий анъаналари ҳамда жамият ривожининг истиқболлари асос қилиб олингани эътиборли жиҳатлардан биридир. Хусусан, энг замонавий, зарур иختисосликлар бўйича алоҳида университет ва институтлар ташкил этилгани, дунё мамлакатларининг нуфузли олий ўқув юртлири филиаллари очилгани таълим тизимидаги ислохотларни янада юқори босқичга кўтарди.

Мисол учун, ўтган асрнинг 90-йиллари бошида Ўзбекистонда 42 та олий таълим муассасаси фаолият юритган бўлса, ҳозирги кунда 81 та олий таълим муассасаси, шу жумладан, 7 та хорижий олий таълим муассасаси филиали навқирон авлоднинг пухта билим олиши, пировардида жамиятда муносиб ўрин эгаллашида муҳим ўрин тутмоқда. Мамлакатимизда таълим соҳасида узоқни кўзлаб ҳаётга тадбиқ қилинаётган кенг қўламли ислохотлар бугунги кунда нафақат юртдошларимиз, балки хорижий экспертлар томонидан ҳам ўзининг юксак эътирофини топаётир.

Одилжон ШОДИЕВ,

ўзбек тили ва адабиёти факультети талабаси.

БИЗ ЁШЛАР МУСТАҚИЛЛИКНИ ХЕЧ КИМГА БЕРМАЙМИЗ!

(боши 1-бетда)

- демократик талаблар ва халқаро мезонларга тўла жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий муаллифи ва уни ҳаётга татбиқ этишнинг ташкилотчиси;
- у марказий ҳокимият ва унинг жойлардаги бўғинларини ислоҳ қилиш, давлат, жамият ва инсон муносабатларини уйғунлаштиришга қаратилган янги сиёсий-ижтимоий тизим тамойилларини ишлаб чиқди ва амалга оширди;
- халқимизнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда илғор жаҳон тажрибаларини муҳасамалаштирган иқтисодий ислохотларнинг янги моделини ишлаб чиқди. Бу ривожланиш йўли иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, қонун устуворлиги, ўтиш даврида давлатнинг бош ислохотчи эканлиги, ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш, кучли ижтимоий ҳимоя каби машҳур беш тамойилни ўз ичига олади ва у дунёда "Ўзбек модели" деб эътироф этилган;
- Ўзбекистон давлатининг ҳудудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини ҳимоя қилишга қодир ғурулли Кучлар, Чегара ва Ички қўшинларни замонавий ислохотлар асосида ташкил этиш ишига бошчилик қилди;
- КПСС Марказий Комитети бошчилигидаги кучлар Ўзбекистонда адолатсизлик ва таъйиқларни авж олдириган йилларда ўзбек халқининг номини ноҳақ таҳқир ва ҳақоратлардан ҳимоя қилиш, халқимизнинг ор-номусини, миллий ғурурини тиклашда фидойилик намунасини кўрсатди;
- халқимиз маънавий қадриятларига ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш, асраб-авайлаш ва ривожлантириш, муқаддас динимизни, урф-одатларимизни, бебаҳо тарихий меросимизни ҳаётга қайтаришни давлат сиёсати даражасига кўтарди;
- халқаро майдонда Ўзбекистоннинг

- обрў-этиборини юксалтириш, ўзбек номини бутун дунёга тараннум этишга улкан ҳисса қўшди;
- одамларнинг тафаккурини ўзгартириш, уларнинг онгида янги миллий ғоя, миллий мафкура асосларини шакллантириш ва мустақамлаш ишига раҳнамолик қилди;
- юртимизда тинчлик-осойишталикни, миллатлар ва фуқаролар ўртасида тотувлик ва ҳамжиҳатликни қарор топтириш, уни сақлаш ҳамда мустақамлашга бекиёс ҳисса қўшди;
- моҳият-этиборига кўра, мутлақо янги таълим-тарбия тизими - Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурини яратиш ва уни амалга оширишда бевосита етакчилик қилди;
- маҳалланинг давлат ва жамият бошқарувидаги нуфузини ошириш, ваколат ва ҳуқуқларини кенгайтириш, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш тизими сифатида уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ташаббускори бўлди;
- юртимизнинг турар жойларида янги қурилишлар, шу жумладан, улуг аждодларимизнинг қадамжоларини обод қилиш, иқтисодимизнинг салоҳиятини оширишда катта ўрин тутган йирик-йирик корхоналарни бунёд этишда, кўпгина шаҳар ва қишлоқларимиз, авваламбор, пойтахтимиз Тошкентнинг шакл-қиефасининг тубдан ўзгаришига бевосита раҳбарлик қилди.
- Мухтасар қилиб айтганда, Ислом Каримов Ўзбекистон давлати ва давлатчилигини барпо қилиш, демократик фуқаролик жамияти қуриш асосларини яратди, мамлакатимиз тараққиётининг асосий йўналишларини ишлаб чиқди, юртимизнинг ёруғ истиқболи йўлида кўпмиллатли халқимизни бирлаштириш, уни улуг мақсадлар сари бошлаб борди.
- Ислом Каримовнинг оқилона сиёсати тўғрисида мустақиллик йилларида иқтисо-

диётимиз қарийб 6 баробар, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 12 баробардан зиёд ошди, олтин-валюта захираларимиз барқарор суръатлар билан кўпайди.

Халқимизнинг асосий озиқ-овқат товарлари, аввало дон, картошка, гўшт, сут ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи 1990 йилда импорт ҳисобидан қопланган бўлса, бугунга келиб уларнинг 96 фоизи мамлакатимизда ишлаб чиқарилмоқда.

Мустақиллик йилларида аҳоли жон бошига гўшт истеъмоли 1,4 баробар, сут ва сут маҳсулотлари - 1,5 карра, картошка - 1,9 марта, сабзавот - 2,6 баробардан ортиқ, мева 6,3 марта кўпайди.

Ватанимизнинг дунё рейтингларида йилдан йилга обрўси ошиб бормоқда. 12 йилдан бери иқтисодий ривожланишимиз 8%дан тушмай келмоқда. Шу боис Ўзбекистон дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторига чиқаётди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида АҚШнинг Колумбия университети олимлари 158 та мамлакатга бориб, ижтимоий тадқиқотлар ўтказишган. Тадқиқотлар асосида эълон қилинган "Бутунжаҳон бахт индекси"да Ўзбекистонимиз 158 мамлакат ўртасида 44-погонани эгаллади. Мустақил Давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида 1-ўринни эгаллагани тан олинди.

"Халқаро миқёсда катта нуфузга эга бўлган Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014-2015 йиллардаги ривожланиш якунлари ва 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олгани албатта барчамизга мамнуният етказди.

Бундан ташқари, 2015 йилда мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)га аъзо давлатларнинг

озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун бериладиган мукофотига сазовор бўлган 14 та давлатдан бири сифатида эътироф этилди".

Айниқса, дунёда ўхшаши кам бўлган Сургил комплекси, Ангрен-Поп темир йўлидаги дунёда узунлиги бўйича 13, қурилишининг мураккаблиги бўйича 8-ўринда турадиган 19,2 километрлик туннелнинг очилиши, Тошкентдан Бухоро шаҳрига "Афросиёб" тезюрар поезди ва Фарғона водийсига Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган вагонлардан иборат йўловчи поездининг йўлга қўйилиши мустақилликимизнинг 25 йиллиги олдидан халқимизга тўйга тўёна бўлди.

Самарқанд, Қарши, Бухоро шаҳарларига "Афросиёб" тезюрар поездининг елиб бораётгани халқимизни мамнун қилмоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, барча соҳаларда бунёдкорлик. Ривожланмаган соҳа қолмади.

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида яқинда бўлиб ўтган XXXI Ёзги Олимпия ўйинларида 4та олтин, 2та кумуш ва 7та бронза медалларнинг қўлга киритилиши болалар спортини ривожлантиришга қаратилган сиёсатимизнинг улуг ғалабаси ва спортчи ёшларимизнинг Ватанимизнинг 25 йиллик тўйига муносиб тўёнаси бўлди.

Мухтарам Президентимиз бизга оқни қорадан ажратишни ўргатдилар.

Юртбошимиз: "Ўзбекистон ёшларини ҳеч кимга бермайман", дейдилар. Биз ёшлар, кўлимизни кўксимизга қўйиб, баланд овоз билан айтаемиз: "Биз ёшлар мустақилликни ҳеч кимга бермаймиз!!!".

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг порлоқ хотираси қалбларимизда абадий сақланиб қолади.

МИЛЛИЙ ДАСТУРНИНГ АМАЛДАГИ ИЖРОСИ

Билимли ҳамда интеллектуал ривожланган авлодни воёга етказиш, уларни мустақил фикрлайдиган, қатъий фуқаролик позициясига эга инсонлар этиб тарбиялашга қаратилган чора-тадбирлар мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларнинг энг утувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

1997 йил 29 августда қабул қилинган ва ҳаётга самарали татбиқ этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури жиддий изланиш ҳамда тадқиқотлар натижаси сифатида ўтмишда мажбуран сингдирилган коммунистик мафкуранинг қолип ва андозаларидан бутунлай воз кечиш, одамларнинг, биринчи навбатда, унибўсиб келаётган авлоднинг онгида демократик қадриятларни мустақамлашга қаратилган бўлиб, унда ҳаётда ўз фикрига, ўзининг қарашлари ҳамда қатъий фуқаролик позициясига эга бўлган, ҳар томонлама етук шахсни тарбиялаш асосий мақсад сифатида белгилаб олинди.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделида демократик қадриятлар ўз аксини топди. Илк бор шахс ислохотлар марказига қўйилди ва миллий моделнинг тизим ҳосил қилувчи асосий компоненти айланди. Шу боис кадрлар тайёрлаш миллий модели ҳамда дастури, бир томондан, миллий истиқлол ғоясининг ажралмас таркибий қисми бўлса, иккинчи томондан уни амалга оширишни таъминлайдиган механизм ҳамдир.

Бинобарин, бугун жаҳон ареналарида, нуфузли спорт мусобақаларида юртимиз давлатининг дунёга танитаётган чемпионларимиз, илм-фан, санъат, ижод, умуман, барча соҳада юксак мараларни эгаллаётган ёшларимизнинг ютуқлари мустақилликнинг дастлабки йилларида илгари суртилган баркамол авлодни шакллантириш ғоясининг ҳаётини самарасидир.

Давлат ҳар бир ёшнинг бепул мажбурий умумий ўрта таълим, шунингдек, ўрта махсус, касб-хунар таълим олишни кафолатлади. Албатта, унга ўз-ўзидан эришгани йўқ. Юртимизда таълим-тарбия со-

1997 йил 29 августда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинганэди...

ҳасига ҳар йили сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотга нисбатан 10-12% ни ташкил этаётди. Бу ЮНЕСКОнинг мамлакатни барқарор ривожлантиришни таъминлаш учун таълимга йўналтириши зарур бўлган инвестисиялар миқдори бўйича тегишли тавсияларидан қарийб 2 баробар кўп экани диққатга сазовор.

Тошкентда "Юксак билимли ва интеллектуал авлодни тарбиялаш - мамлакатни барқарор тараққиёт этириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт" мавзусида ўтказилган халқаро конференцияда дунёнинг 40дан зиёд давлатларидан ташриф буюрган олимлар, мутахассислар ҳамда экспертлар томонидан таълим тизимини тубдан ислоҳ этишда Ўзбекистон ўзига хос йўлдан бориб, юксак натижаларни қўлга киритаётгани кенг эътироф қилинган ва кадрлар тайёрлаш миллий моделини тан олингани барчамизни ғурурлантиради.

Дарҳақиқат, чуқур ўйланган ҳамда илмий асосланган, мамлакат ҳаётининг иқтисодий, ижтимоий соҳаларида кечаётган туб ўзгаришлар билан ҳар томонлама боғлиқ ҳолда ишлаб чиқилган мазкур модел 19 йил давомида 3 босқичда ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилди.

Даставвал мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолган ҳолда, таълим тизими ислоҳ қилиниб, унинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди. Чунончи, "Таълим тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, таълим тизими мазмун тубдан янгиланди. Асосийси, таълим олувчиларнинг юксак даражаси, малакаси, маданий ҳамда ахлоқий савиясининг сифатига нисбатан қўйиладиган зарур талабларни белгилаб берувчи давлат таълим стандартлари, ўқув адабиётларнинг янги авлоди яратилди.

Таълим муассасаларининг моддий техника ва ахборот базасини мустақамлаш

ишларини давом эттириш билан бир қаторда, ўқув-тарбия жараёнини юқори сифатли ўқув адабиётлари, илғор педагогик технологиялари билан таъминлаш, узлуксиз таълим тизимини тўлиқ ахборотлаштириш Миллий дастурни рўёбга чиқаришнинг иккинчи босқичи вазибалари сифатида амалиётга жорий қилинди.

Дастур мақсаддан келиб чиқиб, таълим соҳасини тубдан ислоҳ этиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ҳамда сарқитлардан тўла халос қилиш, ривожланган давлатлар даражасида юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасида изчил сиёсат амалга оширилди. Таълим тизимининг ҳуқуқий мақомини юксалтириш, замонавий дидактик таъминотни ишлаб чиқиб, янги типдаги таълим муассасаларини ташкил этиш, ҳамда уларни энг илғор техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида замонавий маданият, иқтисодиёт, техника, ҳамда технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш, таълим-тарбия мазмуни, шакл, метод ва воситаларини жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида давр талабларига мос равишда такомиллаштириш, ёшларга замонавий, рақобатдош касб сирларини ўргатиш ҳамда уларнинг бандлигини таъминлашга қартилган қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Яна бир эътиборли жиҳати, Дастурда кўзда тутилганидек, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ташкил қилиниб, уларда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг барча тармоғи учун юқори малакали, рақобатдош кадрлар тайёрланаётди.

РИО-2016 СПОРТЧИЛАРИМИЗНИНГ МУНОСИБ ТЎЁНАСИ

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган XXXI Ёзги Олимпиада ўйинлари якунига етди. Унда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган спортчиларимиз мустақилликимизнинг 25 йиллиги тантаналарига муносиб тўёна билан қайтдилар.

Медал жамғариш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Осиё давлатлари орасида тўртинчи, МДХ давлатлари орасида иккинчи, Марказий Осиё давлатлари орасида эса биринчи ўринни ишғол этди.

Мамлакатимиз спорти тарихи учун энг ажойиб натижа бокс рингида юз берди, десак муболаға эмас. Жаҳоннинг 76 мамлакатидан жами 287 атлет иштирок этган бокс мусобақаларида 3 та олтин, 2 та кумуш ва 2 та бронза медалини қўлга киритган Ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталари умумжамоа ҳисобида жаҳонда биринчи ўринни банд этдилар.

Олимпиада якунида Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида 21 ўринни олди.

Шубҳасиз, бу сафарги тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақаси спортчиларимизнинг мисли кўрилмаган ютуқлари билан Ўзбекистон спорти тарихи зарварақларида олтин ҳарфлар билан битилди.

XXXI Ёзги Олимпиада ўйинларида эришилган ютуқлар спортчиларимизнинг мамлакатимиз мустақилликнинг 25 йиллиги байрамига муносиб тўёнаси бўлди.

Бизнинг институтимизда ҳам спортчи талабаларимиз кўпчиликни ташкил қилади. Уларнинг Республика ва халқаро мусобақаларда қўлга киритаётган ютуқлари кишини қувонтиради. Институтимиз талаба-ёшлари орасидан кейинги Олимпиада ўйинларида голибликни қўлга киритадиган спортчилар етишиб чиқишига ишонамиз.

Ахборот хизмати гуруҳи.

О. Муқимов.

ЯНГИ НАШР

"ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБЛАР"

Китобнинг 4-жилди босмадан чиқди

"Маънавият" нашриёти томонидан "Президентга мактублар" китобининг навбатдаги - тўртинчи жилди чоп этилди. Ушбу китобдан 2013-2016 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига мамлакатимиз ва хорижий давлатлар фуқаролари ҳамда нуфузли халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари, таникли сиёсатчилар, жамоат арбоблари томонидан келган хатлар ва уларга жавоб мактубларидан айрим намуналар ўрин олган. Мазкур хат-

ларни ўқир экансиз, турли соҳа ва тармоқларда меҳнат қилаётган, ёши, касб-у кори, миллати ва дунёқарашига кўра, бир-биридан фарқ қиладиган мактуб эгаларининг ўй-фикрлари, орзу-интилишлари нақадар холис ва самимий экани, уларни умумий бир хусусият - она Ватанимизга, халқимизга, Президентимизга меҳр ва ишонч бирлаштириб турганлигини аққол ҳис қиласиз.

Эслатиб ўтамиз, «Президентга мактублар» туркуми ўзбек эпистолярининг илк намуналаридан саналади.

Гулноза ИРИСЕВА.

Сентябрь ойининг муҳим саналари

Маънавият ва маърифат соатларида фойдаланинг!

- 1 сентябрь** - Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами - Мустақиллик куни (1991).
- Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги тантанали нишонланди (2009).
- 2 сентябрь** - Лотин ёзувиге асосланган Ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.
- Ўзбекистонда биринчи марта Марказий Осиё спорт ўйинлари олимпиадаси ўтказилди (1995).
- 3 сентябрь** - Тошкент Ислам университети очилди (1999).
- 4 сентябрь** - Абу Райхон Беруний таваллуд топган кун (937-1048).
- Жиззахда учувчилар тайёрлаш Олий ҳарбий билим юрти очилди (1994).
- 5 сентябрь** - Тошкентнинг бош майдонига «Мустақиллик майдони» номи берилди (1991).
- 6 сентябрь** - Янги «Chevrolet Captiva» автомобилнинг тақдими бўлиб ўтди (2011).
- 7 сентябрь** - Файласуф олим, академик Иброҳим Мўминовнинг таваллуд куни (1908-1974).
- 8 сентябрь** - Халқаро саводхонлик куни (1966).
- Халқаро журналистлар бирдамлиги куни (1958).
- 9 сентябрь** - Жаҳон ҳусн ва гўзаллик куни.
- Самарқанд шаҳрида Мирзо Улуғбек ҳайкали ва музейининг очилиш маросими бўлиб ўтди (2010).
- 11 сентябрь** - Халқаро биринчи ёрдам кўрсатиш куни.
- «Mardlik» ордени таъсис этилди

- (2010).
- 12 сентябрь** - Республика «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси ташкил этилди (1992).
- 15 сентябрь** - Халқ артисти Шукур Бурхонов туғилган кун (1910-1987).
- Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ойбек ҳайкалининг очилиши (2010).
- 16 сентябрь** - ЎзФА Мирзо Улуғбек номидаги Астрономия илмий тадқиқот институтига асос солинган кун (1973).
- Халқаро азон қатламини муҳофаза қилиш куни (1994).
- Тошкентда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор ҳайкали очилди (2007).
- 17 сентябрь** - Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор туғилган кун (1907-1968).
- 23 сентябрь** - Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ташкил этилган кун (1992).
- Бурхониддин Марғинович таваллуд куни (1123-1197).
- 24 сентябрь** - Тошкентда ҳорижда яшаётган туркистонлик ватандошлар билан биринчи халқаро учрашув бўлди (1991).
- 25 сентябрь** - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ташкил этилди (1991).
- Тошкентда Алишер Навоий таваллудининг 525 йиллиги муносабати билан шоирлар хйбони ташкил этилди.
- 28 сентябрь** - Алишер Навоийнинг 550 йиллик тўйи муносабати билан Тошкентда барпо этилган боғда улуг шоир ҳайкалининг очилиш маросими бўлиб ўтди (1991).

ВАТАН НАДИР?

Ватан. Киндик қони тўкилган тупроқ. Аждодлар хоки сочилган замин. Биз илк бор кўз очиб кўрган маъво, илк бор нафас олган ва бутун умр қалбларимиз талпинган ошён... Ватан ҳақида бундай баландпарвоз гапларни, минглаб таъбирларни топганмиз, айтганмиз, айтганмиз. Аммо, ҳар гал бир қарашда оддий кўринган бу сўзнинг асл маъноси англашмай қолаверди. Бу сўзга ҳар қанча таъриф-у тавсифлар келтирмайлик, барибир камдай туюлаверди. Нега? Чунки, Ватан сўзи ўзида шунчалар кўп маъно, шунчалар пок ва самимий, муқаддас тўғилган ифода этганки, ба-рини ифодалаб беришга сўзнинг қурби етмайди. Нега Бобур шоҳ бўла тур-риб бутун умр "Ватан ҳаж-ри" дея ашъорлар битди? Нега Фурқат бир умр "Фурбатда Фурқат" дея тасминлар ёзди? Нега Муса Жалил Ватан учун жангга кириб, энг сўнгги дамда ҳам "Кечир юртим" дея ҳалок бўлди?...

И босқичида ўқиб юрган кезларим. Олис вилоятдан келиб таҳсил олишим сабаб, уйга фақат таътил вақтларидагина, 2-3 ойда бир марта бориб келишим

мумкин эди. Ёзги имти-ҳонлар якунланган, уйим-га қайтишим керак эди, ўшанда. Аммо, маълум сабаблар билан мўлжалда-гидан уч-тўрт кун ушланиб қолдим. Ўқишлар якун-ланган, боз устига мендан бошқа барча сабоқдош дўстларим уй-уйларига қайтиб кетишган. Ётоқхо-нада барча шароит бўлса-да, мусофирликда ёлғиз қолмасин экан, киши. Ки-тоб мутуала қилишни хуш кўрганим боис, зериккан дамларимда китоб менга суянч бўлди. Лекин, бари-бир нимадир етишмаёт-гандек, ўнгимда ҳам, туш-у ҳаёлимда ҳам нимадир мени ўзига чорлаётгандек дилимнинг туб-тубида гашлик ўрмаларди. Янада аниқроқ айтсам, кўнглим менга қарши исён қилаёт-гандек ҳис қилардим ўзимни. Шундай кунлар-нинг бирида китоб ўқиб ўтириб куйидаги мисра-ларга дуч келдим:

Ватан сўзи ичимдадир,
Ватан номус, Ватан ор,
Ватан синглим каби покдир,
Ватан халқдай ҳокисор...

Ана шундагина тушуниб етдим! Менга кун-у, тун тинчлик бермаётган нима экан. Гўё юрагим туб-туби-да бир сўз акс-садо бе-рарди:

БАДИҲА

Ватан сўзи ичимдадир!
Ватан ҳисси ичимдадир...

Онам. Олисларга илм оламан, деб бахтини из-лаб кетган ўғли йўлига кўз тиккан мустаргинам.

Отам. Олтмиш ёшга ки-риб ҳам ўғлини ортидан оврагинам.

Яқинларим. Мени ҳали, катта одам бўлади, дея умид билан, "Биздан ҳам катта одам чиқиб қолди-ку", - дея кўзлари содда қувнаган маҳалладошлар-им. Фарзандини яхши таълим олиши учун бори-жонини аямаган она хал-қим. Мана, мен англаган Ватан! Буларнинг барини жам қилсам, англаб ета бошлайман Ватан нима эканлигини...

Ватан ўзи нима? Балки сизга тушунтириб бера ол-магандирман бу сўзнинг моҳиятини. Яхшиси юра-гингиздан сўранг, шунда ҳис этасиз унинг муқаддас маҳобатини. Чунки, Ватан ҳиссини очиб беришга қалам ҳам, сўз ҳам, тил ҳам ожиз. Бунга фақат пок қалб ва уйғоқ виждонгина қодир...

Шохрух ҚАХҲОРОВ,
Тарих факультети
талабаси.

TALABA FELETONI

ЖИГИЛДОН БАНДАСИ

Рўзғор ташвишида бозорга боргандим. Расталар оралаб ҳарид қилиб юриб, қан-долат растасида тўхтадим.

- Кеннойи, манави конфетларингиз қанча?

Саволим жавобсиз қолди. Сотувчи аёл ёнидаги бошқа, бир аёлга (ёндоз раста-да савдо қилувчи асалфурушга) тинмай жаврар, нималарнидир ўқитишга тири-шарди. Саволимни такрорладим. Ниҳоят у менга эътибор қаратди:

- Қайси, килоси уч ярим минг. У яна ўз гапида давом этди. Беихтиёр унинг куйиб-пишиб айтаётган гапларига кулоқ тутдим:

"Э, нимасини айтасиз. Эсингиздами, бир кийимлик "крепдешин" бир ярим сўм бўларди. Бир ойлик даромадига оғбор-чи билан гаплашиб (!), бир юз йигирма кийимлик сотиб олибман. Уч ой ўтар-ўтмас икки баробарига пуллаганман (!). Э-э, у замонлар дориламон эди-да. Ар-зончилик, мўл-қўлчилик. Анув кунни уйда гугурт қомапти, тижоратга чиқсам икки юз сўм дейди-я, ноинсоф (!). Бизни даври-мизда бир қути гугурт бир тийин бўлар-ди. Магазинларда уйилиб ётарди, биров қайрилиб қарамасдиям. Унни айтинг, унни. Учинчи сортни биров емасди, мол-га берардик (!). Билмаган эканмиз, у давр-лар жаннат экану..." Сотувчи яна нима-лар деб вайсади, билмадим. Унинг гап-лари шунчалар асабимга тегдики, сўзга дангал аралашдим:

- Кечирасиз, кеннойи, ўша пайтларда бир сўмлик конфетни беш сўмга пулла-ган олиб-сотарни нима деб аташган? Аёл-нинг кўзлари олайиб кетди. Ташланиб қолмасайди, деб турувдим. Йўқ, ҳар ту-гул бундай бўлмади. Лабларини чўччай-тириб, мени ҳайрон қилганча жавоб бер-ди:

- Спикулон ("Спекулянт" демоқчи) деб кўз очирмасди, яшшамагурлар. Бир мар-та икки қоп новвот билан қўлга тушиб, нақ эллик сўмга зўрға қутулиб чиқувдим (!).

У шундай деди-ю, бир дам жим тургач, яна кўзлари чақнаб гапира кетди:

- Шундаям, ўн кунда даромаддан чи-қиб кетувди, "элликта"нинг захри.

- Энди-чи, қонуний рўйхатдан ўтиб очи-қчасига ишляпсизлар. Эндиям сизни би-ров "спикулон" деяпими? - сўз қотдим, нишонни тўғри олганимдан дадилланиб.

- Вой, нима деганингиз, ука. Худога шукр, лицензиям бор. Солиғини вақтида тўлаб қўйганман. Биттаси "ғиринг" десин-чи, оғзини йиртаман...

- Ха, яшанг! Қонуний ишляпсиз, ҳуж-жатларингиз жойида. Биров сизга "ғиринг" демайди. Оғзини йиртишингиз-дан кўрққани учунмас, қонуний тирикчи-лик қилаётганингиз учун. Қолаверса, ри-соладагидек тадбиркорга биров "ғиринг" дейишига давлат йўл қўймагани учун! Шундоқ экан, нолиш айб бўлади, опагон.

Ундан кўра менга манави конфетдан бир кило тортинг, - дедим имкон қа-дар юм-шоклик билан. Аёл нархни савдолашмай олаётганимга ёки бошқа нимадир наш-ва қилдими, чақнаб кетди. Елим халтага конфетдан солар экан жағи тинмай жав-рарди:

- Энди, ука, сизам ҳақсиз. Аммо, халқ-қаям осонмас. (Буйинбоғимга имо қилиб) Сиз раҳбарлар галасту тақволиб иссиқ хо-нада, биздан беҳабарсизларда. Ўтган ой қиз узатганман. Ҳадемай ҳайит яқинлаш-япти, ўтгизтадан ошириб тоғара юборма-сам, қудаларим кизимни бир кун олиб ўтирармикин? Ўғлимни уйлашим керак. Тўй дастурхонига қўйиладиган оддий ана-нас ёки бананинг (!) бир килоси ўн минг туради. Қимматчилик жондан ўтди-да!

У яна нималардир деб шангилларди, ҳаридимни олдим-у, қулғим батанг бўлиб растадан узоклашдим. Аммо, бари-бир уйга келгунимча бу воқеа ҳаёлимдан кўта-рилмади.

Товба, тинчлик-тўқинлик бўлса, ҳалол меҳнат қилган одам учун барча шароит-лар муҳайё бу замонда аллақандай туту-риқсиз орзу-ҳавасларни деб ўзини кий-наётган, бу қийинчиликда замонни айб-лаётган ва энг ачинарлиси. бахтни жигил-дон билан ўлчайдиганлар ҳамон топилиб турибди. Уларга нима етмайди ўзи? Эй, Худо! Бундай ношукур бандаларингни ўзинг кечир. Буйинбоғ таққан талабани раҳбар гумон қилиб, оғзига келган нар-сани қайтармай вайсаб турган бундайлар-га четдан келган биронта меҳмон дуч ке-либ қолса, нима деб ўйлайди? Шулар-нинг ҳам кўзи атрофни соғлом одамдай рангли кўрармикан-а?!

Бу мавзу бир неча ҳафта мени дилгир қилди. Ниҳоят, буни албатта матбуотда ёритиш керак деган фикрга келдим. Зе-ро, виждонан мушоҳада қилиш ҳар ким-нинг ўзига ҳавола.

Томоғидан ўзга гами йўқ банда,
Гоҳо хол қоламан ориятингдан.
Ватан дунёга кўрк очаётганда,
Эрк-у, гуруридан мосуво одам.

Наҳот соғинасан қул бўлганингни,
Ёки оёқости йўл бўлганингни,
Қорнига обунган гўл бўлганингни,
Эрк-у, гуруридан мосуво одам.

Ҳа, тўғри, сен учун бахт бу жиғилдон,
Заррача ҳиссизсан, шикаста иймон,
Ҳамиятинг арзон, иззатинг арзон,
Эрк-у, гуруридан мосуво одам.

Бахтни обқат билан ўлчаган абом,
Қоринини ўйлайсан сўнги дамда ҳам.
Таассуф, ҳайф сенга ўзбек деган ном,
Эрк-у, гуруридан мосуво одам...

Орифжон ОДИЛОВ.

Анжуман

Соғлом авлог - юрт келажаги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 9 февралдаги ПҚ-2487-сонли қарори билан тасдиқланган "Соғ-лом она ва ва бола" Давлат дастури ижро-сини таъминлаш мақсадида институт рек-торининг ички буйруғи доирасида Жиззах вилоят хотин-қизлар кўмитаси, Жиззах давлат педагогика институти хотин-қиз-лар кўмитаси бошланғич ташкилоти ҳам-да вилоят "Олима аёллар" уюшмаси ҳам-корлигида республика миқёсидаги "Соғ-лом авлод-юрт келажаги" мавзусида ил-мий-амалий анжуман ўтказилди.

Конференция маънавият-тарғибот мар-казининг мажлислар залида бўлиб ўтди. Мажлисни институт илмий ишлар прорек-тори М. Султонов кириш сўзи билан очиб берди. "Халқимизнинг тарихий ил-дизлари асрлар қаърига бориб тақалади ва 3 минг йилдан кўпроқ даврни ўз ичига олади. Қадимий Турон, Мовароуннаҳр, Туркистон худудларида равнақ топган давлатлар жаҳон маданиятини ривож-лантиришда муҳим из қолдирган. Ана шундай улкан маънавий мерос ва катта табиий-моддий бойликларга эга бўлган мустақил Ўзбекистон тарихида ҳам, бу-гунги кунда эришилаётган тарихий ғала-баларда ҳам аёлларимизнинг салмоқли ўринлари ва бекиёс хизматлари бор", - деди у ўз нутқида.

Табрик учун сўз вилоят "Олима аёллар" уюшмаси раиси ф.ф.д. З. Пардаевага бе-рилди. У ўзбек оиласининг ёзилмаган, ўзига хос қонун-қоидалари ва ахлоқий ме-зонлари борлиги, ҳар бир давлатнинг ке-лажаги, эртанги кунни шу дийрда, оилала-римизда камол топаётган ёшларнинг тар-биясига боғлиқ эканлигини, бинобарин, устувор вазифалардан бири солиҳ ва со-лиҳа фарзандларни тарбиялаш, оила аъзоларининг тартиқчилигини, бўш вақти-ни кўнглили ўтказишни таъминлашдан иборат эканлигини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, меҳмонлардан Самарқанд Давлат университети хотин-қизлар кўми-таси бошланғич ташкилоти раиси М. Алие-ва, ТТА "Педагогика ва психология" ка-федраси мудири, профессор Б. Умаров, Низомий номидаги ТДПУ профессори Ф. Шоумаровларнинг маъруза ва нутқлари тингланди.

Йигилиш сўнгида сўзга чиққан ф.ф.д., проф. Ф. Бойназаров ўзининг нутқида конференция ялпи мажлисида тингланган барча маърузалардан катта таассурот ол-ганлигини мамнуният билан билдирди. Илмий-амалий конференция иши шў-ба ййгилишларида давом этирилди.

З. Алибекова,
хорижий тиллар
факультети ўқитувчиси.

Nazm guldastasi

IJODINGIZGA BARAKA TILAYMIZ...

Ushbu sahifa Jizzax Davlat pedagogika instituti qoshidagi II sonli akademik litseyi "Yosh adabiyotshunos" to'garagi a'zolari-ning ijodiga bag'ishlanadi.

HAYOT DAVOM ETMOQDA

Mabzum esaverar mayin shamollar,
Qayoqqadir eltir o'ychan xayollar.
Bu esa kungadir kelar malollar,
Hayot to'xtamasdan o'tib bormoqda.

Bu kun kimlarningdir ko'zlarida nam,
Yuragida dog'-u, ko'ksida alam.
Kinga berib quvonch, kinga esa g'am,
Hayot to'xtamasdan o'tib bormoqda.

Kimning ko'zlarida sevinchning yoshi,
Maqtovdan ko'klarda mag'rurdur boshi.
Nurafshon porlaydi tole quyoshi,
Hayot to'xtamasdan o'tib bormoqda.

Doimo oldinga intilgan odam,
Marrasiga yetar, yashasa ildam.
Orzu-la yashasang go'zaldir olam,
Intilishdan tolna yuzdan oshsang ham.

SAVOL

Yashobmasang insonday bo'lib,
Bag'ri keng bir osmonday bo'lib,
Jo'shobmasang ummonday bo'lib,
Bu dunyoda ne kerak yashash?

Bosmasa gar yor-u do'stlaring,
Ostonangni yilda bir bora.
Tugab bitsa kam-u ko'stlaring,
Bu dunyoda ne kerak yashash?

Yashash kerak munosib bo'lib,
INSON degan aziz nom uchun.
Dilimizda qolmasin toki,
"Nega?" degan savolga o'rin.

Marvarid ABDUMALIKOVA,
III bosqich o'quvchisi.

TANBEH

(Hikoya)
Kunlaming birida bobom menga bedanalarga
suv va don berishimni tayinladilar. Bu vaqtda
men idishlarni yuvayotgan edim. Shunda
bobomga bo'shagimdan keyin yumushlarni
bajarishimni aytdim. Bobom menga yana
takrorlab,
- Esingdan chiqmasin, qizim, - deya guzarga
chiqib ketdilar. Idishlarni yuvib bo'lgan ham
edim, dugonalarim o'yinga chorlab qolishdi. Ular
bilan ko'chaga chiqib ketdim. Maza qilib o'ynar

edik, ammo kun juda isib ketdi. Shunda biz
dugonalarimiz bilan xayrlashib, uy-uyimizga tar-
qaldik.

Uyga kelsam bobom supa ustida tushkun
kayfiyatda o'tiribdilar. Bobomni ko'rib bedana-
lar esimga tushdi va ayvon tomonga yugurdim.
Shunda bobom uzoqdan:

- Ovora bo'lma, qizim, endi ularga suv ham,
don ham zarurmas, - dedilar.

- Yo'q, bobojon, yodimdan ko'tarilibdi-da,
boshqa bunday bo'lmaydi, - dedim.

Ammo, men kechikkan edim... Bedanalar

nobud bo'lgan ekan. Qiziq, bobom meni qattiq
koyimadilar. Faqat juda mahzun tovushda:

- Bolam, inson hayotda ma'suliyatli bo'lmog'i
lozim. Sening beparvoliging jonvorlarni nobud
qildi. Kunning jaziramligini qara, - dedilar xo-
los. Men ne qilarimni bilmasdim.

Ancha vaqtgacha o'zimni kechirolmay yur-
dim. Bu voqea menga kishining ma'suliyatli
bo'lmog'i kerakligi haqida unutilmas saboq
bo'ldi.

Nafisa RIZAYEVA,
II bosqich o'quvchisi.

SOG'LOM BOLAMAN

Tog'lar orasida o'sgan lolaman,
Ota-onam bag'rida ungan lolaman.
Shu yil kuzda o'n yettiga to'laman,
Lek shunda ham hali bolaman.

Onam, sizni quchoqlab, o'psam
Bag'ringizda oronlar olsam.
Deysiz: "Qachon katta bo'lasan?"
Unday demang, xafa bo'laman.

Dadajonim, erkalik qilsam,
Onam, sizni dugona bilsam,
Singilehamni kichkina desam,
Ajablanmang, hali bolaman.

Oq-qorani farqlay olmasam,
She'r o'qishdan mudom to'lasam.
Bir fikrda uzoq qolmasam,
Aylga yo'ymang, hali bolaman.

Har qadamda maslahatpesha,
Nasibatlar qilar hamisha.
O'g'itmas, lek aniq bilaman,
O'ylang, axir hali bolaman.

Birovlardan sirim bo'lmasa,
Yuragimda kirim bo'lmasa,
Yoshim o'n yettiga to'lsada,
Men baribir hali bolaman.

Sizga rostin aytсам agarda,
Ozod diyor maskanim erar.
Moviy osmon ostida o'sib,
Kamol topgan sog'lom bolaman.

Shaxodat OMONOVA,
II bosqich o'quvchisi.

QIZIMG'A

Har qanday tashvishlar chekinar ortga,
Bag'ringa bosganda mitti jussangni.
Alamlar yo'l ochar sabr-sabotga,
Hech kim qo'shobmaydi sening hissangni.

Ishdan qaytganimda qiyqirib ketar.
Ko'zingga taqqanim ko'zunchogqinam.
Shirin nafaslarimga baxtga yor etar,
O'zingga o'xshadi qo'g'ircho'g'ing ham.

Ollohdan so'rayman to'kis baxtingni,
Musaffo tongdan-da bokira qizim.
Hayot sindirmasin shiddat-shahdingni,
G'amlarda qalqoning bo'layin o'zim.

Iroda ABDURASHIDOVA,
Litseyning ona tili va
adabiyot fani o'qituvchisi.

YOZ

Yoz kelganda tabiat chiroyi ochadi ko'rkam.
Bog'larningizga qarang, jannatdan qayeri kam?
Olma ikki yuzini qizartirib pishibdi,
Gilos basad o'tuda olov rangga tushibdi.

Quyosh bobo nurlari mevalarga hush yoqar,
O'rik uning nuri-la sap-sariq tusda boqar.
Shaftoli-chi, shaftoli tukli to'nin yechmaydi,
Yoz ketishi mumkin-u, ko'ngil yozdan kechmaydi.

Men-la qolgin yil bo'yi, qadrdonim yoqut yoz,
Tufingda isinayin, zabiga olganda ayoz.
Va'da beryan, sen uchun munosib do'st bo'laman,
Butun dunyo havas-la boqsan bizga chinakam.

Nafisa RIZAYEVA,
II bosqich o'quvchisi.

ЎҚУВЧИ МУШОХАДАСИ

ОГОҲ БЎЛИНГ - СЕЛФИ!

Замонавий мобил теле-
фонлар нафақат алоқа воси-
таси, балки китоб жавони,
яхшигина луғат, ёндафтар,
харита, соат ва альбом ҳам-
дир. Олд камерали теле-
фонлар суратга тушиш им-
кониятлари кенгаётгани ва
"Мени суратга олиб қў-
йинг" деган илтимосга ҳо-
жат қолдирмаслиги билан
ёшларга жуда маъқул. Аммо
бугун ёшлар ўртасида авж
олган ўз-ўзини суратга
олиш касалликка ўхшаб
қолгани ҳам бор гап.

Селфи деб аталувчи бу
"касаллик" инглизча "selfie-
"ўз-ўзини" сўзидан ясалган
бўлиб, мобил телефон ёки
камерада ўзини суратга
олиш демакдир. АҚШ пси-
хиатрия ассоциация томо-
нидан селфига берилиш ин-
соннинг ўзига ишончи кам-
лиги билан боғлиқ эканлиги
ўрганилган. Унинг уч тури
мавжуд бўлиб, кун бўйи
ўзини суратга олиб, интер-
нетда камида 6 та сурат
жойловчилар касаллигининг
энг оғир турига дучор бўл-
ганлар деб топилган. Сел-
фининг оқибатлари шунда
куринадики, унга берилган-
лар эгоист, ўзига маҳлиё,
атроф билан ҳисоблашмай-
диган, диққатини жамлай
олмайдиган бўлиб қолади.
Табиийки, бу руҳий мувоза-

натда муаммолар келтириб
чиқаради.

Яқинда Хиндистонда яқин-
лашиб келаётган поездга орқа
ўйирганча суратга тушган уч
нафар ўқувчиға ўз тасвири-
ни кўриш насиб этмади. Ам-
мо вагон гилдираклари тагида
қолиб кетган болаларнинг
тасвири интернетда узоқ вақт-
гача одамларни даҳшатга со-
либ турди.

Афсуски, ўзбек ёшлари ҳам
селфи дардига етарлича муб-
тало бўлиб улгуришди. Эсте-
тик завқ бағишловчи, ёқимли
машғулотдек кўринган сел-
фининг ўқувчи ва талабалар
вақтини ўғирлаб, уларни илм
олиш мақсадидан чалғитиши
маълум бўлса-да, унга ружу
қўйган тенгдошларимиз бор-
лиги ачинарли. Бунга ижтимо-
ий тармоқларда гувоҳ бўлиш
мумкин.

Аждодларимиздан бизга бе-
баҳо, бой ва залворли илмий,
адабий мерос қолган. Уни да-
вом эттириш, бойитишдек ша-
рафли вазифани вақтини тўғ-
ри тақсимлай олмайдиган,
бекорчи одатларга муккаси-
дан кетган ёшларга топшириб
бўлармикан? Нима яхши-ю,
нима ёмон, қачон ажрата ола-
миз, тенгдошлар?

Зебунисо
САЛОҲИДДИНОВА,
II bosqich o'quvchisi.

SEVGILIMGA XAT

Salom, senga, salom, sevgilim,
Bog'im ichra tanhoym, gulim,
Qalay ishing, sog'liging qalay?
Yuribsanmi, erkam, charchamay?
Aka-uka, qarindoshlaring,
Mehribon-u, ham sirdoshlaring,
Yuribdimi sog'ligi juda...
So'rab qo'yay axir biz quda.
Mendan so'rsang, tashvish aylama,
Quvonch turib, qayg'u saylama.
Zo'r ishim bor, o'qishim a'lo,
Buyuklikka qilyapman da'vo!
Senga yo'lim uzoq tuyilsa,
Bu ishlarim orzudir agar.
O'zingga ham asti yoqmasa,
Bundan dilim olov topmasa.
Yurarmidim azoblar chekib,
Baxtlidirman bu yo'ldan ketib.
Tashakkurim barchasi senga!
Mening uchun tunlar uxlamay,
Xat yozibsan, o'qidim mana,
Bundan dilim qildi tantana.
Xating rosti orom baxsh etdi,
Ko'nglim erib, sog'inchim bitdi.
"Sevaman", - deb yozgan so'zlaring,
Yuragimning to'riga yetdi.
"Alpomishim" - deya yozibsan,

"Alp o'g'lonim" - deya yozibsan.
Bilasanmi, mening "Barchinim",
Tuyg'ularing tutmay yashirin,
Izhoringdan ko'nglim shod bo'ldi.
Quvonchlardan yuragim to'ldi.
Eslaysanmi o'tgan kunlarni...
Birga o'tgan shirin tunlarni.
Oy nuridan olardik nafas,
Tashvishlarga solgandik qafas...
Yelkamga bosh qo'yganding bunda,
Yurak yongan sehrii tunda.
Qulog'ingga shivirlab o'zim,
Aytib qo'ydim eski bir so'zim:
Menga asli oz mehring kerak,
Netay axir yo'q boshqa tilak.
Orzusiz deb bekor o'ylama,
Orzum - mehring, boshqasin bilma.
Chorbog'dagi o'sha xotira,
Unut bo'lmas abadiy sira.
Xotiramiz bir kuylab o'tdim.
Bir shingilin xat qilib bitdim.
Ko'risharmiz borsam qishloqqa,
O'sha joyda, o'sha chorbog'da.
Xayr gulim, xayr yaxshi qol,
Xatga qo'shib, yuragimni ol!

Abdug'affor ABDURAHMONOV,
Tarix fakulteti talabasi.



"BAHOR"
Лазокат Норматова ижодидан намуна

Академик лицейда нафақат адабиётшу-
нослик, балки, хунармандчилик, тасви-
рий ва амалий санъат, хайкалтарошлик,
зардўзлик каби тўғарақлар ҳам фаолият
олиб боради. Айниқса, "Тасвирий санъат"



"НАТЮРМОРТ"
Мафтуна Жўрабоева ижодидан намуна

тўғарағи аъзолари ўз ижодий ишлари билан Респуб-
лика ва худудий танловларда муносиб иштирок
этмоқдалар.

Ушбу тўғарақда тобланган ёш рассомларимизнинг
«Табиатни асранг», «Экология ва биз», «Нафосат» каби
мавулардаги тасвирий санъат кўргазмалари ташкил
этилган.

Сиз кўриб турган ушбу ижодий намуналар "Тасви-
рий санъат" тўғарагининг фаол аъзолари, иқтидорли
мусаввир ўқувчилар мўйқаламига мансуб.

ТАҲРИРИЯТ

Бош муҳаррир Абдукарим ШАРИПОВ

Тахририятга келган хатлар таҳлил
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри тахририят
нуқтаи назаридан фарқланиши
мумкин.

Газета Жиззах вилояти Матбуот ва ахборот
бўшқармасида 2006 йил 26 декабрда
06-017 рақами билан рўйхатга олинган.
Босишга топширилган вақти - 19.00

Навбатчи муҳаррир: О.Одилов
Диз@йнер: А.Абдурахмонов

Манзил:
Ш. Рашидов шоҳ
кўчаси,
Абдулла Қодирий
номидаги Жиззах
Давлат педагогика
институту

«Жиззах-принт»
босмахонасида чоп
этилди.
Корхона манзили:
Жиззах шаҳри, 130100.
Сайилжойи кўчаси, 4-уй.

Офсет усулида 2700 нусхада босилди.
Буюртма №1426. Shabl-A3.

Ziyo chashmasi

МУАССИС:

Абдулла Қодирий номидаги
Жиззах Давлат педагогика
институту